

## А Ж Р И М

2022 йил январь ойининг 5 куни жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди, Бухоро шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, видеоконференцалоқа режиди, раислик қилувчи Н.Шаропов, судья ёрдамчиси Ф.Кличевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бухоро шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси А.Эргашевнинг иштирокида, гумон қилинувчи [REDACTED] [REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] - [REDACTED] йил [REDACTED] сентябрь куни Бухоро шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, Бухоро шаҳар [REDACTED] маҳалла фуқаролар йиғини, [REDACTED] кўчаси 3-муъолиш 1-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисми билан гумон қилинган.

Суд гумон қилинувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED] 2021 йил 5 декабрь куни соат 14:30ларда Бухоро шаҳар Намозгоҳ кўчасида жойлашган Бухоро вилоят сил касаллиги диспансери олдида [REDACTED] давлат рақамли [REDACTED] русумли автомашина ичида [REDACTED] билан ўзаро келишмовчилик сабабли жанжаллашиб, жанжал вақтида қўли билан [REDACTED] нинг юз соҳасига бир маротаба уриб, Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Бухоро филиалининг 2021 йил 9 декабрь кунидаги [REDACTED]

Суд мажлисида сўроқ қилинган гумон қилинувчи [REDACTED], ўз айбига тўлиқ иқдор бўлиб, 2021 йил 5 декабрь куни Бухоро вилоят сил касаллиги диспансери ёнида [REDACTED] русумли автомашинасида [REDACTED] қўли билан [REDACTED] юзига бир марта уриб, жароҳат етказганлигини, жабрланувчи билан ярашганлигини, қилмишидан пушаймон эканлигини, унга жабрланувчининг бирор даъвоси йўқлигини инobatга олиб, жиноят ишини томонларнинг ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатишни сўраб, судга ярашганлиги ҳақидаги аризасини тақдим қилди.



Суд мажлисида сўралган жабрланувчи [REDACTED] Рўзимуродовна, 2021 йил 5 декабрь куни Бухоро вилоят сил касаллиги диспансери яқинида [REDACTED] русумли автомашина ичида [REDACTED] билан ўзаро келишмай қолиб, жанжаллашганлигини, шунда [REDACTED] қўли билан унинг юзига бир маротаба уриб, жароҳат етказганлигини, [REDACTED] томонидан етказилган зарардан воз кечишини, [REDACTED] даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ихтиёрий равишда ярашганликларини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини билдириб, жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўраб кўрсатув берди ва судга бу ҳақдаги аризасини тақдим қилди.

Суд, жиноят иш ҳужжатлари, жабрланувчи ва гумон қилинувчининг судга тақдим этган ярашув тўғрисидаги аризалари билан танишиб, ишда қатнашаётган прокурорнинг [REDACTED] нисбатан жиноят ишини томонлар ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатиш ҳақидаги хулосасини эшитиб, гумон қилинувчини ўз айбига иқрорлигини, жабрланувчи билан ярашганлигини, ярашув ихтиёрийлигини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 66<sup>1</sup>-моддасига асосан, гумон қилинувчига нисбатан жиноят ишини томонларнинг ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатиб, гумон қилинувчини жинoий жавобгарликдан озод этишни ва жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддаси 5-қисми талабларини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 66<sup>1</sup>-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 423, 582-586-моддаларига асосан, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И :**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисми билан [REDACTED] нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан томонларнинг ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатилиб, жинoий жавобгарликдан озод қилинсин.

Ажримдан норози томонлар йигирма кунлик муддатда мазкур суд орқали Бухоро вилоят судининг апелляция инстанциясига апелляция тартибида, ажрим апелляция тартибида кўриб чиқилиб, қонуний кучга киргандан сўнг бевосита кассация инстанцияси судига – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса хусусий протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

/имзо/

Н.Шаропов

Нусхаси аслига тўғри

Раислик қилувчи

Н.Шаропов

